

ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида ШАРТНОМАСИ

1-сон

2022 йил "15" 06

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Навоий вилоят филиали номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Бўриев бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "ГОР АРХ ПРОЕКТ" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар И.Қулиева иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ *"Навоий вилояти Навоий шаҳар И.Каримов кучасида жойлашган "Фарход" маданият саройи орқасидаги Навоий вилоят ободонлаштириш бошкармасига қарашли "Истирохат боғи" мукаммал-жорий таъмирлаш* жумладан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, (электрон ва қоғоз кўринишида тақдим этиши шарт), топография ишлари, геология ишлари, АПЗ, экологик лойиҳа (проект ЗВОС), экоэкспертиза, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назорати, ижобий экспертиза хулосаларини олишни амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур лойиҳалаштиришга топшириқни (задание на разработку) тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишда ҳамда тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялари йиғилишларида иштирок этади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил "15" июндаги 99916-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда, шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган бажарилган ишлар калькуляциясига мувофиқ 13 000 000 (Ун уч миллион) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

Бажарувчи:

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичида Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан махфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, ҳужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериш туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

Буюртмачи:

10. ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

IV. Ишларни бажариш муддати

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан иловада кўрсатилган ишларни бажариш графигига асосан ____ ни ташкил этади.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдоридан, аванс ўтказди, бу 3 900 000 (Уч миллион туккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага ва тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

23. Бажарувчи ишларини бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, етказилган зарарларни қоплашда шунингдек пайдо буладиган бошқа низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:

- қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

тарафлар бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш содир этилишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

32. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг юридик кучга кирилади.

33. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

34. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **икки нусхада** тузилади.

X. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

Бажарувчи:

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК

Навоий ш. А. Тенқур йули

ООО «ГОР АРХ ПРОЕКТ»

Адрес: г. Бухара улица С.Айни
тел: 91-446-00-45

р/с 20208000700808948001

ИНН: 305109602 МФО: 00862

в ПСБ банке г. Бухары

Код ОКОНХ – 41100

Директор: Қудиева И

Банк: Марказий 5 КККМ.
Х/Р: 400121860124017069302110001
МФО: 00014 ИНН: 302910412

Раҳбар:

У. (имзо)



Қарғиш Навоий ш. А. Тенқур йули



"КЕЛИШИЛДИ"

Навоий вилоят ҳоқими ўринбосари

Б.Бобомуролов

2022 й.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал
хизмат курси гиш/вазирининг ўринбосари

О.Жураева

2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 23-сонли қарорининг 8-бандига асосан 2020-2021 йилда иктисод қилинган маблағлар ҳисобидан Навоий шаҳрида мавжуд булган кун
квартирالى уй-жойларда амалга ошириладиган таъмирлаш ишлар юзасидан 2022 йил учун
МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

Т/р	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топириш йили	Фасад қисмини мукаммал таъмирлаш ишлари		Жами капитал қуйилмалар	Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	шу жумладан			Топириш мuddати	Экспертиза ҳулосаси сони ва ҳақами	Тасдиқланган танлов байъинининг рақами ва сони	Лойиҳачи ташкилати
			м2	минг сум			Жами буюртмачи- нинг харажатлари	Лойиҳа-смета ва экспертиза харажатлари	Буюртмачи-нинг бошқа харажати				
1	И Каримов кучаси 49 уй	2022-2022 йил	2586	69 464 172,5	69 464 172,5	65 990 963,9	3 473 208,6	1 389 283,4	2 083 925,2				танлов асосида
2	Энергетик кучаси 1 уй	2022-2022 йил	2586	124 027 548,1	124 027 548,1	117 826 170,7	6 201 377,4	2 480 551,0	3 720 826,4				танлов асосида
3	Низомий кучаси 16 уй	2022-2022 йил	1592	74 547 193,5	74 547 193,5	70 819 833,8	3 727 359,7	1 490 943,9	2 236 415,8				танлов асосида
4	Меъморлар кучаси 14 уй	2022-2022 йил	1592	74 547 193,5	74 547 193,5	70 819 833,8	3 727 359,7	1 490 943,9	2 236 415,8				танлов асосида
5	Меъморлар кучаси 31 уй	2022-2022 йил	1592	74 547 193,5	74 547 193,5	70 819 833,8	3 727 359,7	1 490 943,9	2 236 415,8				танлов асосида
6	И Каримов кучаси 93А-93Б уйлар	2022-2022 йил	4776	147 015 025,8	147 015 025,8	139 664 274,5	7 350 751,3	2 940 300,5	4 410 450,8				танлов асосида
7	И Каримов кучаси 80 уй	2022-2022 йил	605	37 899 064,7	37 899 064,7	36 004 111,5	1 894 953,2	757 981,3	1 136 971,9				танлов асосида
8	Низомий кучаси 18 уй	2022-2022 йил	3184	110 804 287,9	110 804 287,9	105 264 073,5	5 540 214,4	2 216 085,8	3 324 128,6				танлов асосида
9	Навоий кучаси 38 уй	2022-2022 йил	3184	110 804 287,9	110 804 287,9	105 264 073,5	5 540 214,4	2 216 085,8	3 324 128,6				танлов асосида
10	И.Каримов кучаси 140 уй	2022-2022 йил	3184	110 804 287,9	110 804 287,9	105 264 073,5	5 540 214,4	2 216 085,8	3 324 128,6				танлов асосида
11	Навоий кучаси 44 уй	2022-2022 йил	3184	110 804 287,9	110 804 287,9	105 264 073,5	5 540 214,4	2 216 085,8	3 324 128,6				танлов асосида
12	Навоий кучаси 50 уй	2022-2022 йил	3184	110 804 287,9	110 804 287,9	105 264 073,5	5 540 214,4	2 216 085,8	3 324 128,6				танлов асосида
13	Навоий кучаси 56 уй	2022-2022 йил	3184	110 804 287,9	110 804 287,9	105 264 073,5	5 540 214,4	2 216 085,8	3 324 128,6				танлов асосида
14	Навоий кучаси 58 уй	2022-2022 йил	3184	110 804 287,9	110 804 287,9	105 264 073,5	5 540 214,4	2 216 085,8	3 324 128,6				танлов асосида
15	И Каримов кучаси 90 уй	2022-2022 йил	840	78 360 948,1	78 360 948,1	74 442 900,7	3 918 047,4	1 567 219,0	2 350 828,4				танлов асосида
16	А Темура кучаси 1 уй	2022-2022 йил	225	34 643 466,0	34 643 466,0	32 911 292,7	1 732 173,3	692 869,3	1 039 304,0				танлов асосида
17	И Каримов кучаси 96 уй	2022-2022 йил	2215	76 419 965,5	76 419 965,5	72 598 967,2	3 820 998,3	1 528 399,3	2 292 599,0				танлов асосида
Навоий шаҳар бўйича жами:			39 213	1 567 101 786	1 567 101 786	1 488 746 697	78 355 089	31 342 036	47 013 054				
Буюртмачининг жами харажатлари													
Таксимланмаган лимит													
Навоий вилояти бўйича жами:			39 213	1 567 101 786	1 567 101 786	1 488 746 697	78 355 089	31 342 036	47 013 054				

*) Лойиҳа-смета ҳужжатларини иш-лаб чиқиш жарасида энкилик киритишни таъмин



"КЕЛИШИЛДИ"

"Қун ҳисобидан уйлари, иссиқлик таъминоти
объектларини қуриш бўйича ширкиннинг
қобилияти" ДУК директори
Т.Шарипов
2022 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат
курсигаги бошқармаси бошлиғи
Н.Жуманиёзов
2022 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат курси
қурилиш бўлиғи бошлиғи
С.Рўзиёв
2022 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

"Қун ҳисобидан уйлари, мукаммал ва жорий
таъмирлаш хизмати иссиқлик таъминоти объектларини
қуриш бўйича ширкиннинг қобилияти" ДУК Навоий
вилоят филиали бошлиғи
А.Буриев
2022 й.